

Бақара сураси, 225-оят

08:10 / 04.03.2018 4177

Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қалбларингиз касб қилган нарса учун тутадир. Ва Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта ҳилмлидир. Бақара 225.

«Беҳуда қасам» деганда ўйлаб-ўйламай, тил ўрганиб қолганидан ичиладиган қасамга айтилади. Айниқса, арабларда қасам лафзи осон чиқади, кўп ишлатилади. Бу туркий халқларда ҳар нарсага «Худо урсин» деяверишга ўхшайди.

Бир куни Пайғамбаримиз саҳобалардан бирлари билан йўлда юриб борар эдилар. Улар ов қилаётган кишиларнинг олдидан ўтиб қолишди. Шунда «Аллоҳга қасамки, урдим», «Аллоҳга қасамки, хато қилдим» деган овозлар эшитилди. Набий алайҳиссалом билан бирга кетаётган киши:

- Қасамхўр бўлишдимми? - деб сўради. Набий алайҳиссалом:

- Йўқ, овчиларнинг қасами беҳуда бўлади. Каффорот ҳам, уқубат ҳам йўқ, - дедилар.

Қасам уч хил бўлади:

Биринчиси - беҳуда қасам. Бу, аввал айтганимиздек, тил ўрганиб қолиб, ҳуда-беҳудага қасам ичаверишдир. Бундай қасамга каффорот йўқ, гуноҳ ҳам бўлмайди. Лекин мусулмонлик одоби бўйича, қасам ичмаслик лозим. Бошқа оятда кўп қасам ичиш кофирларнинг иши экани айтилган.

Иккинчиси - ғамус қасам. Яъни билиб туриб, ёлғондан қасам ичиш. Бундай қасам катта гуноҳ бўлиб, истиғфор ва тавбани талаб қилади.

Учинчиси - мунъақида қасам. Яъни ният билан боғланган қасам. Келажакда бир ишни қилиш ёки қилмасликни ният этиб, қасд билан қасам ичиш. Бундай қасам ичган одам уни амалга ошира олмаса, каффорот бериши лозим бўлади.